

## ТУРКИСТОНДА ВЕТЕРИНАРИЯ ТАЪЛИМИ ВА ВЕТЕРИНАРИЯ КАДРЛАРИ МАСАЛАСИ ТАРИХИДАН (маҳаллий-миллий халқ таъобати ветеринария хизмати кадрлари)

**Сайфудинова Джамила Бадридиновна**

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар  
университети катта ўқитувчиси

**Аннотация:** Илмий мақолада Туркистон ўлкасида ветеринария таълими ва ветеринария кадрлари масаласи бўйича уч босқичда амалга оширилган ишларнинг асосий мақсад ва вазифалари тарихий маълумотлар асосида тадқиқ этилган. Биринчи босқичда маҳаллий миллий халқ таъобати ветеринария хизмати билимдонларининг таълими. Фаолиятининг шарқона услублари тарихий маълумотлар асосида баён этилган. Она юртимиз азалдан илм-фан ўчоғи бўлганлиги хусусида мавжуд мадраса, мадраси олиялар, масжид, мактаблар тўғрисида маълумотлар келтирилган. Халқ таъобати ва ветеринария хизматининг ўзига хос хусусиятлари, жиҳатлари ҳаққонийлик, илмийлик, манбаларга асосланган ҳолда ўрганилган.

**Калит сўзлар:** Халқ ветеринарияси, дорушифо, шарқона услуб, илмий-амалий билим, диний ва дунёвий илм, мадраса, мадраси олия, масжид, халқ ветеринарияси, ветеринария кадрлари, байтар, сайис, чўпон, чорвадор.

## ИЗ ИСТОРИИ ВЕТЕРИНАРНОГО ОБРАЗОВАНИЯ И ПОДГОТОВКИ ВЕТЕРИНАРНЫХ КАДРОВ В ТУРКЕСТАНЕ (КАДРЫ ВЕТЕРИНАРНОЙ СЛУЖБЫ МЕСТНОЙ НАЦИОНАЛЬНОЙ НАРОДНОЙ МЕДИЦИНЫ)

**Аннотация.** В научной статье на основе исторических источников исследуются цели и задачи работ, осуществлённых в три этапа по вопросам ветеринарного образования и подготовки ветеринарных кадров в Туркестанском крае. На первом этапе рассматривается система обучения знатоков местной национальной народной ветеринарной медицины, а также восточные методы их профессиональной деятельности, изложенные с опорой на исторические данные. Отмечается, что наша Родина с древних времён являлась очагом науки и просвещения, в связи с чем приводятся сведения о существовавших медресе, высших медресе, мечетях и школах. Особенности и характерные черты народной медицины и ветеринарной службы изучены с позиций объективности, научности и на основе достоверных источников.

**Ключевые слова:** Народная ветеринария, дорушифо, восточный метод, научно-практические знания, религиозные и светские науки, медресе, высшее медресе, мечеть, народная ветеринария, ветеринарные кадры, байтар, сайис, чабан, животновод.

## FROM THE HISTORY OF VETERINARY EDUCATION AND TRAINING OF VETERINARY PERSONNEL IN TURKESTAN

## (PERSONNEL OF THE VETERINARY SERVICE OF LOCAL NATIONAL FOLK MEDICINE)

**Abstract.** This scientific article examines, on the basis of historical sources, the goals and objectives of activities implemented in three stages concerning veterinary education and the training of veterinary personnel in the Turkestan region. At the first stage, the system of training specialists of local national folk veterinary medicine is considered, as well as the Eastern methods of their professional practice, described with reference to historical data. It is emphasized that the homeland has, since ancient times, been a center of science and enlightenment; therefore, information is provided on the existence of madrasahs, higher madrasahs, mosques, and schools. The specific features and characteristic aspects of folk medicine and veterinary services are studied from the standpoint of objectivity, scientific rigor, and reliance on reliable sources.

**Keywords:** folk veterinary medicine, dorushshifo, Eastern methods, scientific and practical knowledge, religious and secular sciences, madrasah, higher madrasah, mosque, folk veterinary medicine, veterinary personnel, baytar, saisis, shepherd, livestock breed

Туркистон ўлкасида ветеринария тарихи шундан далолат берадики, эпизоотик, эпидемиологик, зооантропоозин, гельминтоз, инвазион, юқумли касалликларни чуқур ўрганиш, турли касалликлардан, офатдан нафакат чорвани, балки инсониятни ҳам сақлаш, униинг олдиини олиш, даволаш, доридармон воситалар ва эмлаш воситалари-вакциналарни ишлаб чиқаришда ветеринария кадрларини тайёрлаш таълими тизими, таъбат илми ва амалиёти муҳим аҳамиятга касб этган.

Халқимиз моддий бойлигининг ажралмас қисми бўлган чорвачиликни сақлаб қолишгина эмас, уни ривожлантиришда чорвачиликда миллий хусусиятларни, даволаш, халқ таъбати, ветеринария хизматининг шарқона намуналарини, рус, европа ветеринария медицинаси илми билан уйғун мутаносиблаштиришда ветеринар кадрлар, ветеринария таълим намояндлари хизмати муҳим аҳамиятга эга бўлган. Улар ветеринария илми хазинасини яратишга муваффақ бўлганлар. Шу сабабли “Ўзбек халқи узок тарихий жараёнлар силсиласида бой маънавий (моддий) бойлик яратди, жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшди»,<sup>7</sup> - десак хато бўлмайди.

Ўлка ветеринария тарихи ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, шаклланиб, тобора ривожланиб илму-фан таркибига кириб борар экан, чор империясининг мусталакачилик иллатларидан қатъий назар Россия ва Ўрта Осиё илмий салоҳиятининг ўзаро ҳамкорлиги унинг табиати, тарихи<sup>8</sup> ҳайвонот дунёси, чорвачилиги, асосан ветеринария илми ҳақидаги билимларини бойитишга имкон яратилди. Халқ таъбати ва медицинаси, ветеринария хизмати, илму фани намояндларини, шунингдек ветеринария таълими, мутахассис кадрларининг миллий хусусиятлари, илмий-амалий билим, малакавий

<sup>7</sup> Тарих шохидлиги ва сабоқлари. Т. 2001, Б.333.

<sup>8</sup> Ўша жойда, Б.3

даражалари, касалликларга қарши олиб бораётган услуб, услубият самараларига қараб уларни уч тоифага ажратиш мумкин. Жумладан:

1. Муайян илмий ва малакавий мутахассис билимига эга бўлган маҳаллий-миллий халқ табобати ветеринария хизмати соҳасига доир кадрлар;

2. Миллий тузем хусусиятларини ўзида ифода этган фақат малакавий тажрибага эга бўлган, ўзига мустакил бўлган чорвани даволашни билган халқ ветеринар табиблари;

3. Чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олгандан кейин ўлкага Россиядан юборилган олий, ўрта махсус ветеринария таълими ўқув юртларини тамомлаган, илмий-амалий ветеринария табобат билимига эга бўлган ва маҳаллийлашган рус, европа миллатига мансуб кадрлардан иборат деб белгилаш мумкин.

Албатта, кадрларни бундай тоифалаштириш миллий хусусиятларга қараб эмас, балки ветеринария табобат илмига ва амалий билим даражаларининг самарадорлиги, илму-фан натижаларига ва табобат илмининг шарқона услубига қараб белгиланади. Уларининг тафсилоти қуйидагилардан иборат. Ўлкамиз қадимдан ўз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими, илму-фан тараққиётига эга бўлган. Марказий Осиёда Россия ўлкани босиб олиб, Қўқон хонлигини тугатди, Хива ва Бухоронинг маълум бир қисмини ўз тасарруфига олди ва Туркистон Генерал-губернаторлигини ташкил этгандан сўнг диний ва дунёвий илму-фан ва таълим тараққиётида жиддий ўзгаришлар юз бериб, Европа ва Россиянинг таъсири оша борди. Бу ҳолат кўпроқ Чор Россиясига тўғридан-тўғри қарам бўлиб қолган Туркистон Генерал-губернаторлигига кирадиган ҳудудларда сезила боради. Бухоро амирлиги, Хива хонлиги ҳудудларида таълим ва илму-фан ўзининг қадимий меросий услублари асосида кадрлар, турли хил соҳа мутахассисларини тайёрлаш давом этаверди. Тарихий манбаларга қараганда фақат Бухоро амирлигида - асрлар давомида шаклланган мактаб ва олий таълим берувчи мадрасалар фаолият кўрсатиб<sup>9</sup>, фақат Бухоро шаҳрида вақф ерларидан келадиган даромад ҳисобига фаолият кўрсатиб таълим бераётган 108 та мадраса бўлиб, улардан 60 таси асосий таълим масканлари сифатида XIX асрда машҳур бўлган<sup>10</sup>. Қўқон шаҳрининг ўзида XIX асрда 15 та мадраса бўлиб, диний ва дунёвий фанлардан ёшларга таълим-тарбия берган<sup>11</sup>. Хива хонлигида XIX асрда 1500 га яқин мактаб ва 130 та мадраса, фақат Хива шаҳрида 22 та мадраса фаолият кўрсатган<sup>12</sup>. Умуман олганда, 1913 йилда анъанавий эски услубда таълим берадиган ўлкада (Бухоро, Хива) 7665 та мактаб ва мадрасалар бўлиб<sup>13</sup>, мадрасаларни тамомлаганларнинг аксарият кўпчилиги (диний ва дунёвий фанлардан билим олиб) қози, муфти ва аълам даражаларида ва қолган қисми эса мударрислик, имомлик ва мамлакат ҳаётининг турли соҳаларида фаолият кўрсатган бўлса, маълум бир қисми

<sup>9</sup> Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. Т. Академия. 2000. .208-бет.

<sup>10</sup> Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. Т. Академия. 2000.208-бет.

<sup>11</sup> Ўша жойда. Б.230.

<sup>12</sup> Ўша жойда. Б.248.

<sup>13</sup> «История народов Узбекистана». 2-книга. Т.: 1993. С.133

бевосита табобат илмида, - халқ табобати медицина ветеринария соҳаларида халқ оммаси учун энг зарур ва ноёб тармокдарда фаолият кўрсатиб, табобат илмининг қадимий ва замонавий услубларидан инсонларга шифо бағишлаб, чорвани турли хил (ўша даврда ўзларига маълум бўлган) юкумли касалликлардан сақлаб қолишга, халқ моддий бойлигини кўпайтиришга холисона фаолият кўрсатганлар. Ударнинг айримлари хақида қуйида тўхталиб ўтамиз.

Халқ ўртасида тиббиёт илмининг билимдони сифатида танилган табиб, (асли Марказий Осиёда танилган Возиқ лақаби билан машҳур бўлган шоир) Бухоро мадрасаларининг бирида таълим олган Қори Раҳматуллоҳ ибн Мухҳмад Ошур Бухорий (1894 йилда вафот этган)дир. У ўзининг бизгача етиб келган, 1883 йилда ёзиб тугатган ноёб «Кони лаззат ва хони Неймат» (лаззатлар кони ва нейматлар дастурхони) номли тиббиёт илмига доир асари билан танилган.<sup>14</sup> Бу асарнинг муқаддима ва икки қисмдан иборат бобларида ўзигача маълум бўлган тиббий асарлардан фойдаланиб, қайси касалликка даво бўлишлиги, асосан нон маҳсулотлари, ширинликлар хақида, чорва маҳсулотларининг озиқ- овқатга боғлиқ соҳаларига таъриф берган. Ушбу асарнинг қиммати шундан иборатки, инсонларга кўплаб юкумли, айниқса, гельминтоз, паразитар, инвазион касалликлар чорвадан, инсонлар истеъмол қиладиган чорва маҳсулотларидан юққанлиги сабабли кишиларнинг овқатланишида эҳтиёт чораларини кўришга ундайди.

Шарқ табобат илми намояндалари Абу Али ибн Сино (980-1037); Ибн ал-Байтар (1248 йилда вафот этган); Тархон табиб (1291 йилда вафот этган); Юсуф Боғдодий (XIII-XIV асрда); Ҳожи Зайнуддин Аттор (вафоти 1404 йил); Мухаммад Қосим (вафоти 1624 йил); Довуд ал-Андокий (XVII-аср); Мир Мухаммад Муъмин Танқобуний (XII-аср)лар каби бир қатор буюкларнинг асарларида инсонлар ва хайвонларни даволашда шарқона услубларидан фойдаланилганлиги, шарқона табобат услуби янада бойитганлиги тўғрисида қимматли маълумотлар мавжуд.

Марказий Осиёда мавжуд дорилфунун-мадрасаларда таълим олганлар ўз соҳаларнида диний ва дунёвий фанлардан таълим олар экан, албатта тиббиёт илмидан ҳам чуқур билимга эга бўлганлар, зарур ҳолатларда инсонларни ҳам, хайвонларни ҳам даволаганлар, медицина, ветеринарияда даволаш услуб, услубиятларидан хабардор бўлганлар, ўз асарларида даволаш соҳасига доир табобат илмидан ноёб фикр-мулоҳазаларини билдирганлар.

Диний ва дунёвий фанлардан таълим бериб, умумий ихтисослик, кадрлар тайёрлашда Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Кўқон, Термиз, Қарши ва Хива шаҳарлари алоҳида ажралиб турган. Масалан, XIX аср ўрталарида Кўқонда - 300 та масчит, 120 та мактаб, 40 та мадраса бўлиб, талабаларга таълим берган,<sup>3</sup> улар фақат Кўқон шаҳрида жойлашган эди. Бундай таълим

<sup>14</sup> Шарқ табобати. Т.: 1994. Б. 102-103.

масканлари Қўқон хонлиги ҳудудааридаги бир қатор шаҳарларда Фарғона, Андижон, Хўжанд ва Тошкентда ҳам фаолият кўрсатганлар. XIX асрнинг бошида айрим маълумотларга қараганда, Қўқон шаҳрида дунёвий фанлардан адабиёт, тарих, нутқ, мантиқ, алжабр, хандаса ва тиббиёт фанларидан ўқитиладиган 15 та мадраса фаолият кўрсатган. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бошланғич мактабларда, мадрасаларда ҳам асосий эътибор диний таълим беришга қаратилган бўлиб, қуръон, шариат, фикх (мусулмон конунчилиги) асосларини араб тилида ўқитиш билан чегараланиб қолмасдан, юқорида таъкидлангандек, дунёвий фанларга ҳам эътибор қаратилган. Таълим тизими Бухоро амирлигида анча такомиллашган бўлиб, Марказий Осиё бўйича сифатли, билимдон мутахассис кадрлар тайёрлаш билан ажралиб турган. Бухоро мадрасалари анча машҳур бўлган. Чунки Бухорои шарифдаги мадрасаларда замонасининг билимдонлари фаолият кўрсатганлар. Бухоро шаҳрининг ўзида вақф ерлардан келадиган даромад ҳисобига фаолият кўрсатадиган 108 та мадраса бўлиб, улардан 60-таси асосий шарқона таълим услубида дарс берувчи ҳақиқий таълим масканлари сифатида машҳур бўлган эди. Бухоро мадрасаларида таълим тизимида ўқитиш тартиби уч босқичда олиб борилган. Жумладан, биринчи босқич - «паст қадам», иккинчи босқич эса «миона», учинчи босқич - «пешқадам» деб номланган тизимда мударрислар талабадарга дарс таълим берганлар. Мадраса мударрисларининг йиллик маоши - 250-350 тилла ҳажмида, талабаларга эса 3-4 тилладаи нафақа берганлар. Мадрасаларда талабалар Қуръон, фикх, шариат асосларини, диний-ахлокий адабиётларни, тиббиётга доир фанларни ҳамда тил, адабиёт, тарих, фалаккиёт, мантиқ, фалсафа (диний ва дунёвий), хандаса (математика) ва бошқа бир қатор аниқ фанлардан таълим олишган ва табобат илмидан ҳам билимдон бўлиб чиқишганлар. Аммо бирорта мадраса Марказий Осиёда то XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларигача Хива, Қўқон хондликларида ва на Бухоро амирлигида ветеринария таълими бўйича мутахассис ветеринар врачларлар ёки фельдшерлар тайёрламаганлар. Лекин Марказий Осиёнинг йирик шаҳарларида дорушшифо (шифоҳона)лар, шифоҳона мадрасалар, тиббиёт кутубхоналари булган. Уларда касаллар даволанган, талабалар кутубхоналардан фойдаланиб билим олиб, тиббиёт соҳасидан яхши билимга эга бўлиб, халқ табobati соҳаси бўйича «яхши табиб» номига эга бўлганлар. Улар чорвачиликда юз берган турли хил касалликларга чалинган чорванинг ҳамма турларини ҳам даволашга ҳаракат қилганлар. Бундай амалий билимга нафақат табиблар, чўпонлар, сайислар, чорва эгалари ҳам маълум даражада билимга эга бўлганлар.

Шарқ, айниқса Марказий Осиёдаги мадрасаларда таълим тизими Ғарб олий таълим тизимидан фарқи ҳам шунда. Марказий Осиёдаги мадрасаларда нафақат Мовароуннахрликлар, хорижий мамлакатлардан келган талабалар ҳам мадраса ва мадрасаи олияларда, асосан Самарқанд, Бухоро мадрасаларида таҳсил олганлар.<sup>2</sup> XIX асрда Хива хонлигида 1500 га яқин бошланғич мактаб, 130 та мадрасалар мавжуд бўлиб, фақат Хива шаҳрининг ўзида 22 та мадраса фаолият кўрсатиб толиби илмларга таълим берганлар. XIX аср бошларида эса

Қорақалпоғистонда ўнлаб мадрасалар, 318 та мактаб фаолият кўрсатганлар, илмий ва малакавий билимга эга бўлган мутахассис кадрлар халқ хизматида бўлиб, фидойилик қилганлар.

Хулоса қилиб, таълим тизими ва кадрлар тайёрлашнинг биринчи ваиккинчи йўналиши бўйича шуни таъкидлаш лозимки, Марказий Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудларида халқ таъботи ветеринария хизматини медицина тиббиёт илми билан уйғунлаштирган ҳолда биргаликда олиб бориб таъбот илмининг мутахассислари ҳам инсонларва чорвада юз берадаиган турли хил касалликларни даволаган ва бу соҳада шарқона таъбот илмидан билимдон бўлган кадрлар етарлича бўлмасада, инсонлар ва чорвачиликни турли хил инфекциян юкумли касалликлардан саклашда имкониятларига яраша самарали меҳнат қилганлар. Аммо улқадаги хонликларда бу соҳада статистик маълумотлар олиниб борилмаган.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. Т. 2001, Б.333.
2. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. Т. Академия. 2000. . 208; 230; 248-бетлар
3. Шарқ таъботи. Т. 1994. Б.102-103.
4. История народов Узбекистана. 2-ая книга. Т., 1993, С.133.
5. Қори Раҳматуллох ибн Муҳхмад Ошур Бухорий. «Кони лаззат ва хони Неъмат».1883. 3. Шарқ таъботи. Т. 1994.
6. Хушназаров, А. (2022). Бекназаров Нурман Бекназарович был трудолюбивым и добрым человеком. *Library*, 22(1), 1-1.
7. Хушназаров, А. (2022). Самадов Гаффордзон Джабборович– человек, который находит счастье в своей профессии. *Library*, 22(3), 13-13.
8. Хушназаров, А. (2020). Он был добрым человеком. *Library*, 20(4), 3636.
9. Ачилов, Т. Н., Хушназаров, А. Х., & Аминжонов, Ш. М. (2025). ПАРАЗИТОЛОГИЯ ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ (адабиёт маълумотлари). *GLOBAL TRENDS IN SCIENCE AND INNOVATION*, 1(1), 94-103.
10. Ачилов, Т. Н., Аминжонов, Ш. М., & Хушназаров, А. Х. (2025). ЎЗБЕКИСТОНДА ВЕТЕРИНАРИЯ ПАРАЗИТОЛОГИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ. *Research Focus*, 4(11), 419-425.